

"O'ZSUVTAMINOT"
AKSIYADORLIK JAMIYATI
*
"FARG'ONA SUV TA'MINOTI"
MAS'ULIYATI CHEKLANGAN
JAMIYATI
№ 01-10/546
2022-y "3" oktyabr
150100, Farg'ona shahar
Sh. Rashidov k-si 5-uy.

"Сув таъминоти ва оқава сув объектларини қуриш бўйича ИК" УК Фарғона вилояти худудидӣ бошқармаси бошлиғи Р.Холиқназаровга

Техник шарт

Сизнинг 2022 йил 30 сентябрдаги 457-сонли хатингизга асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрел кунги "Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора тадбирлари" тўғрисидаги ПҚ-5072 сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Бешариқ тумани Қоракўйли МФЙ худудида яшовчи ахолини ичимлик суви таъминоти тизимини яхшилаш мақсадида қўйидаги ишлар бажарилиши таълаб этилади.

Ичимлик сув бўйича

Бешариқ тумани Қоракўйли МФЙ худудида яшовчи ахолини ичимлик суви таъминоти тизимини яхшилаш учун уланиш нуқтаси: Қоракўйли МФЙ худудига ичимлик сув иншооти қуриш, 1 дона электр тежамкор ичимлик сув насоси ўрнатиш, гидравлик хисоб-китобларга кўра лойиха асосида ичимлик сув тармоғи тортиш замонавий пайвандлаш дазмоли ёрдамида монтаж қилиш ишлари ШНҚ, ҚМҚ талабларига хамда СЭО ва ЖС талабларига мос равища бажарилсин

Ичимлик сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошқа мухандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин.

Лойиха смета хужжатлари ишлаб чикишда тажрибали лойиха институтларини жалб қилган холда лойиха смета хужжатлари ишлаб чиқиш ва давлат экспертиза хулосалари олингандан сўнг, қурилиш монтаж ишлари амалга оширилсин. Таёрган лойиха-смета хужжатлари қурилиш-монтаж ишлари бошлангунига қадар Вилоят "Фарғона сув таъминоти" МЧЖ бош мухандиси билан келишилсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, Буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув объектлари лойиха смета хужжатлари "Фарғона сув таъминоти" МЧЖ билан келишилиши белгиланган ва 1(бир) нусха лойиха смета хужжатлари берилиши шарт. Акс холда мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиха смета хужжатлари келишилмаган хисобланади ва мазкур объектлар "Фарғона сув таъминоти" МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга булиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида хақиқий деб хисобланади.

/ "Фарғона сув таъминоти" МЧЖ
Бош мухандиси:

"Фарғона сув таъминоти" МЧЖ
ИЧБ бошлиғи:



И.Абдуллаев

Д.Хамидов